

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

25 сентябрь 2018 й.г.

№ 765

Toshkent sh.

**Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш
фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 майдаги ПК-3730-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда:

санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларга бириктирилган ҳудудлар ихтисослаштирилган ташкилотларнинг махсус автотранспорт воситаларининг юк ташиш қуввати бириктирилган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва ўз вақтида олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг зарур сифатини таъминлашга мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилишини ва ўрганиб чиқилишини;

хатлов натижалари бўйича санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларга бириктирилган ҳудудлар ихтисослаштирилган ташкилотларнинг махсус автотранспорт воситаларининг ҳақиқий қувватини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилишини ва қайта кўриб чиқиш натижаси бўйича бўшаган участкалар «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали электрон аукцион воситасида танлов савдоларига қўйилишини таъминласинлар.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги
765-сон қарорига
1-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар
кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик
субъектларига бириктириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида, ноль ставкадан бошланувчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали электрон аукцион йўли билан бириктириш тартибини белгилайди (кейинги ўринларда электрон танлов деб аталади).

Ушбу Низом ҳудудларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ бириктириш ҳолатларига татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси – электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур маълумотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш имкониятини, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг электрон танловлар жараёнида бевосита иштирок этишини таъминлайдиган ахборот тизими;

ҳудудни бириктириш – танлов асосида тадбиркорлик субъектларига маълум бир ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳуқуқини бериш;

билдиришнома – Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан, буюртмачининг веб-сайтларига жойлаштириладиган “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида келгусида ўтказиладиган электрон танлов ҳақидаги маълумот;

танлов таклифи – танлов ҳужжатида белгиланган шартларга мувофиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга таклиф;

лот – электрон танловга қўйилган ҳудуд;

шахсий ҳисобварақ – оператор томонидан операторнинг ички электрон тизимида оператор маълумотлари базасида рўйхатдан ўтган иштирокчиларнинг пул маблағларини жамлаш ва ҳисобини юритиш учун электрон танлов иштирокчисига очиладиган ҳисобварақ;

оператор – “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси;

ариза берувчи – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва таклиф этилган шарларга мувофиқ электрон танловда иштирок этиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти (юридик шахс);

закалат пули – электрон танловда иштирок этиш учун ариза берувчилар томонидан тўланадиган пул миқдори;

худуд – маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш бўйича электрон танловга қўйиладиган зона (шаҳар, туман, туман маркази, қишлоқ ва бошқа аҳоли пунктлари);

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасидаги техник узилиш – иштирокчилардан бирига электрон танловда иштирок этишга имкон бермайдиган ёки оператор ходимида электрон танлов ўтказилишига хизмат кўрсатишнинг техник имкониятини таъминламайдиган электрон савдо майдончасидаги техник носозликлар;

танлов иштирокчиси – электрон танловда иштирок этишга қўйилган ариза берувчи.

3. Электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ҳудудларни бириктириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Ариза берувчиларга қўйиладиган умумий талаблар

4. Ариза берувчи қуйидаги мажбурий талабларга мувофиқ бўлиши керак:

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжудлиги;

танлов ҳужжатларига мувофиқ ҳудудга тўлиқ хизмат кўрсатиш учун юк ташиш қувватини таъминлаб берадиган, талаб этиладиган миқдордаги техник соз чиқинди ташиш машиналарининг мавжудлиги;

юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳукуки учун амалдаги лицензия ва аризада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига лицензия карточкасининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

буюртманома тақдим этилиши санасида ариза берувчига нисбатан тугатиш жараёни ўтказилишининг мавжуд эмаслиги;

буюртманома тақдим этилиши санасида суд органларининг ариза берувчининг ночор (банкротлиги) ва/ёки фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарорининг мавжуд эмаслиги.

5. Ариза берувчи:

электрон танловда иштирок этиш учун бошқа ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун фойдаланишда бўлган чиқинди ташиш машиналарини кўрсатган ҳолда ариза беришга;

танлов таклифига аввалги электрон танловлар натижаси бўйича ушбу Низомга мувофиқ унга бириктирилган ҳудуд учун аризада кўрсатилган айнан ўша чиқинди ташиш машиналарини киритишга ҳақли эмас (ҳудудни бириктириш муддатининг якунланиши ёки ариза берувчининг ушбу ҳудуддаги фаолияти тўхтатилиши ҳоллари бундан мустасно).

3-боб. Электрон танловни ўтказиш учун зарур материалларни тайёрлаш тартиби

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари электрон танлов буюртмачиси ҳисобланадилар (кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади).

7. Буюртмачи:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ишчи органнинг намунавий таркибига асосан ишчи орган таркибини тасдиқлайди (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади);

танлов ҳужжатларини тасдиқлайди;

Оператор билан электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатишга шартнома тузади.

8. Ишчи орган:

а) қуйидагиларни ўз ичига олувчи танлов ҳужжатларини тайёрлайди:

ҳудудлар рўйхати (икки ва ундан ортиқ ҳудуд мавжуд бўлганда);

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича электрон танловга қўйилаётган ҳар бир ҳудуднинг паспорти;

электрон танловлар ғолибларининг чиқинди тўплаш шохобчаларида ва туташ ҳудудда лозим даражадаги тозаликни таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга ошириш, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яратиш ёки яхшилашни (чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш, контейнерлар билан жиҳозлаш) назарда тутувчи мажбуриятлари.

б) ҳудудларни электрон танловга қўйиш учун буюртмачи номидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали операторга электрон буюртма юборади.

Ишчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

9. Буюртмага танлов ҳужжатлари ва электрон танловни ўтказиш бўйича хизматлар учун пул тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг электрон (сканер қилинган) нусхаси илова қилинади.

10. Электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш шартномасига бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳудудлар киритилиши мумкин. Электрон танлов бир нечта лот учун ўтказилиши мумкин.

4-боб. Электрон танловни ўтказишни ташкил этиш

11. Оператор буюртмачи билан электрон танлов ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномага ва ушбу Низомга мувофиқ электрон танловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди.

12. Электрон танловни ўтказиш бўйича хизматлар учун оператор ҳар бир лот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул мукофоти олади.

13. Агар буюртмага ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган барча ҳужжатлар илова қилинмаган ёхуд улар зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳолларда оператор электрон буюртмани олган кундан кейинги иш кунидан кечикмай электрон хат билан буюртмачига унинг буюртмасини қайтаради. Бунда, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар хатда кўрсатилади.

14. Буюртмачи бир ҳафта муддатда оператор томонидан кўрсатилган барча камчиликларни тузатади ва электрон буюртмани ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандлари талабларига мувофиқ қайтадан юборади.

15. Оператор белгиланган талабларга жавоб берадиган буюртма ва унга илова қилинган ҳужжатларни олган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай электрон танловни ўтказиш ҳақидаги билдиришномани ўзининг веб-порталига жойлаштиради.

Бир вақтнинг ўзида электрон танлов ўтказилиши ҳақидаги маълумот буюртмачининг веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Электрон танлов ўтказиш ҳақидаги билдиришнома уни ўтказиш кунига камида 30 календарь кун қолганда операторнинг веб-порталига жойлаштирилиши ва веб-порталда электрон танлов бошлангунга қадар туриши лозим.

Электрон танлов якунланганидан кейин веб-порталда электрон танлов якунланганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

17. Билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

электрон танлов ўтказиладиган сана ва вақт;

лот рақами ва номланиши;

электрон танловда иштирок этишга буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги санаси ва вақти;

ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида ариза берувчилар учун кўрсатилган мажбурий талаблар ва чекловлар;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон танловга қўйилаётган ҳудуднинг паспорти;

танлов ҳужжатларига мувофиқ электрон танлов ғолибларининг мажбуриятлари;

электрон танловда иштирок этиш учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ буюртманома шакли;

ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ танлов таклифи шакли;

ариза берувчилар томонидан ушбу Низомнинг 20-банди талабларига мувофиқ илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати;

электрон танловда иштирок этиш учун закат пулининг миқдори, закат пули ўтказилиши лозим бўлган операторнинг банк реквизитлари;

буюртмачининг номи, манзили ва телефон (факс) рақами.

18. Операторнинг веб-порталида барча хоҳловчиларга билдиришнома билан эркин танишиш имконияти таъминланиши лозим. Шунингдек, операторнинг веб-порталида, буюртмачининг веб-сайтларида электрон танлов ўтказиш қоидалари билан танишиш имконияти яратилади.

Оператор оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, бошқа усулларда тадбиркорлик субъектларини электрон танловда иштирок этиш тартиби ҳақида мунтазам таништириб боради.

5-боб. Электрон танловда иштирок этиш шартлари

19. Электрон танловда иштирок этишга буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда амалга оширилади ва электрон танловни ўтказиш санасидан икки иш куни олдин соат 13.00 да якунланади.

Буюртманомаларни қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин тушган буюртманомалар қабул қилинмайди.

20. Электрон танловда иштирок этиш учун буюртманома электрон кўринишда, танлов таклифини тўлдирган ҳолда берилади.

Буюртманома ва танлов таклифи электрон рақамли имзо билан имзоланади.

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатларнинг электрон (сканер қилинган) нусхалари илова қилинади:

юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун амалдаги лицензия ва буюртманомада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига лицензия карточкаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

танлов таклифида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт, техник талон) нусхаси;

абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимининг дастурий таъминотини жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

ишлаб чиқариш базаси (автопарк, гараж)нинг ижара шартномаси нусхаси (агар хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаса);

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тасдиқланган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар тарифлари (агар мавжуд бўлса).

Закалат пули ариза берувчи томонидан маълум бир (танланган) лот бўйича буюртма бераётганида унинг шахсий ҳисобварағидан ечиб олинади.

Агар ариза берувчининг шахсий ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари закалат пулини тўлашга етарли бўлмаса, электрон танловда иштирок этиш учун буюртма қабул қилинмайди.

21. Электрон танловда иштирок этиш учун закалат пули энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади.

22. Ариза берувчи буюртманомани қабул қилишнинг охириги муддатидан кечиктирмасдан ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклдаги ва электрон рақамли имзо билан имзоланган билдиришномани операторга юбориш орқали электрон танловда иштирок этишга буюртманомани ўзгартириш ёки чақириб олишга ҳақли.

Электрон танловда иштирок этишга буюртманома чақириб олинган ҳолларда оператор тўланган закалат пулини буюртманома чақириб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай иштирокчига қайтаради. Закалат пули ариза берувчининг электрон танловда иштирок этишга берган буюртманомада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига қайтарилади.

Ариза берувчига қайтарилган закалат пули у томонидан банк ҳисобварағи реквизитлари нотўғри кўрсатилганлиги сабабли ёки бошқа сабабларга кўра операторнинг банк ҳисобварағига қайта тушган тақдирда, оператор банк реквизитлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар сўровномасини юбориб, ариза берувчини бу ҳақда хабардор қилади. Ушбу ҳолатда закалат пули ариза берувчи мурожаат қилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай қайтарилади.

23. Иштирок этиш учун ариза қабул қилингандан кейин у қуйидаги талабларга риоя этилганлиги юзасидан текширилади:

буюртманома ва танлов таклифи белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилганлиги, шунингдек электрон рақамли имзонинг ариза берган шахсга тегишлилиги ва асли эканлиги (шу жумладан, амал қилиши тўхтатилиши, бекор қилиниши);

билдиришномада кўрсатилган буюртманома бериш муддати тугагунига қадар буюртманома бериш.

Буюртманома дастур ёрдамида автоматик тарзда текширилади, текширув натижаси ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига зудлик билан хабар қилинади.

24. Буюртманома ушбу Низомнинг 23-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, бир вақтнинг ўзида ариза берувчи электрон танлов иштирокчиси мақомини олганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда, у электрон танловда иштирок этишга қўйилади.

Электрон танлов иштирокчиларига улар электрон танловда иштирок этишда фойдаланиш учун шахсий тартиб рақамлари берилади.

25. Буюртманома ушбу Низомнинг 23-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, электрон танловда иштирок этишга буюртманома зудлик билан рад этилади ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақда ариза берувчига аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда билдиришнома юборилади.

Бунда, ариза берувчи билдиришномада кўрсатилган аризани қабул қилиш вақти якунлангунига қадар электрон танловда иштирок этишга буюртманомани ундаги камчиликларни бартараф қилган ҳолда такроран юборишга ҳақли.

26. Оператор буюртманомаларнинг сақланишини, шунингдек, улар сир тутилишини таъминлайди.

Буюртманомаларни қабул қилиш даврида, шунингдек, электрон танловни ўтказиш давомида операторнинг веб-порталида танлов иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни (юридик шахснинг номи ва почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами, иштирокчини аниқлаш имконини берадиган бошқа маълумотларни) акс эттиришга йўл қўйилмайди.

6-боб. Электрон танловни ўтказиш тартиби

27. Электрон танлов операторнинг веб-порталида билдиришномада кўрсатилган кун ва вақтда бошланади.

28. Танлов таклифларини баҳолаш ва электрон танлов ғолибини аниқлаш ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ танлов таклифларини баҳолаш шакли бўйича балли тизимдан фойдаланган ҳолда дастур ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилади.

Танлов таклифларини баҳолаш якуни бўйича энг юқори балл тўплаган иштирокчи электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Икки ва ундан ортиқ танлов иштирокчилари тенг балл тўплаган тақдирда буюртманомани олдинроқ рўйхатдан ўтказган иштирокчи ғолиб деб эътироф этилади.

29. Электрон танлов унда иштирок этишга қўйилган икки ёки ундан ортиқ иштирокчи мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

30. Ягона электрон савдо майдончасининг ишлашида электрон танловни ўтказишга тўсқинлик қиладиган техник узилиш содир бўлган ҳолларда, электрон танловни ўтказиш санаси ва вақти ҳақида электрон танлов иштирокчиларини мажбурий хабардор қилган ҳолда электрон танлов техник узилиш бартараф қилинган кундан кейинги кунда давом эттирилади.

31. Электрон танлов якунланганда операторнинг веб-порталида автоматик тарзда электрон танлов ғолибининг номи акс эттирилади.

32. Электрон танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эътироф этилади:

биронта ариза берувчи электрон танловда иштирок этиш учун қўйилмаган бўлса, шу жумладан, унда иштирок этиш учун биронта буюртманома тушмаган бўлса;

электрон танловда иштирок этиш учун фақат битта иштирокчи қўйилган ва у ушбу Низомнинг 37-банди учинчи хатбошида назарда тутилган тартибда шартнома тузишни рад этса;

ушбу Низомнинг 38-бандида назарда тутилган тартибда ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга буюртмачи билан шартнома тузиш таклиф этилган электрон танлов ғолиби ва танловнинг иккинчи иштирокчиси ушбу таклифни рад этса.

33. Электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганда бу ҳақдаги маълумот ўтказилмаган деб эътироф этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда операторнинг веб-порталида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганлиги тўғрисида буюртмачига маълумот юборилади.

34. Агар электрон танловда иштирок этиш учун фақат битта иштирокчи қўйилган бўлса, у электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади ва ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади.

**7-боб. Ҳисоб-китоб қилиш ва электрон танлов натижалари
тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби**

35. Оператор кейинги иш кунидан кечиктирмай:

электрон танловда иштирок этиш учун электрон танлов ғолиби томонидан тўланган закат пулини буюртмачининг буюртмада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига ўтказди;

махсус бланкада электрон танлов натижалари ҳақидаги баённомани (кейинги ўринларда баённома деб аталади) расмийлаштиради, уни асосий муҳр билан тасдиқлайди ва электрон нусхасини (сканер қилинган) электрон танлов натижалари ҳақида хабардор қилган ҳолда белгиланган тартибда электрон танлов ғолиби ҳамда буюртмачига юборади.

Баённоманинг асл нусхаси электрон танлов ғолиби (ёки унинг ишончнома бўйича вакили)га имзо қўйдирилган ҳолда топширилади (ёки электрон танлов ғолибининг розилигига кўра почта жўнатмаси билан юборилади).

36. Электрон танлов натижалари ҳақидаги баённомада:

электрон танлов ўтказилган сана;

электрон танлов ғолиби ва электрон танловнинг бошқа иштирокчилари;

ҳудуд ва у ҳақидаги маълумотлар тавсифи;

жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда буюртмачи томонидан ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш ҳақида қарор қабул қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

37. Электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида баённомани тақдим этган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда унга ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштириш учун буюртмачига мурожаат қилади.

Буюртмачи ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қабул қилинган қарорнинг электрон (сканер қилинган) нусхасини қарор қабул қилинганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар электрон танлов ғолиби баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузишни ҳамда ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштиришни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақида операторга электрон тизим ёрдамида маълум қилади.

38. Оператор, ўз навбатида, электрон танлов ғолибининг шартнома тузишни рад этганлиги тўғрисидаги маълумотни олганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга буюртмачи билан шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф билан танлов иштирокчилари орасида танлов ғолибидан кейин юқори балл тўплаган навбатдаги иштирокчига (агар баллар тенг бўлса – аризани

олдинроқ берганга) (кейинги ўринларда танловнинг иккинчи иштирокчиси деб юритилади) электрон хат юборади.

Бунда, агар танловнинг иккинчи иштирокчиси беш иш куни мобайнида ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклдаги ва электрон рақамли имзо билан имзоланган билдиришномани операторга юбориш орқали таклифни қабул қилганлигини тасдиқласа, у электрон танлов ғолиби деб эътироф этилади ва унга ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилади.

Танловнинг иккинчи иштирокчиси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида баённоманинг асл нусхасини тақдим этган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда унга ҳудудни бириктириш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш учун буюртмачига мурожаат қилади.

39. Буюртмачи ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг электрон (сканер қилинган) нусхасини қарор қабул қилинганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай операторга юбориши шарт.

Агар танловнинг иккинчи иштирокчиси таклиф юборилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида буюртмачини жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузишни ҳамда ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштиришни рад этиш тўғрисида хабардор қилса (ёзма) ёки мурожаат қилмаса, у рад этган деб ҳисобланади ва буюртмачи кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақида операторга электрон тизим ёрдамида маълум қилади. Бунда электрон танлов ўтказилмаган деб эътироф этилади.

8-боб. Закалат пулини қайтариш тартиби ва шартлари

40. Ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган тартибда электрон танлов натижалари тўғрисида баённома расмийлаштирилган танлов иштирокчиларига закалат пуллари қайтарилмайди ва маблағларни электрон танловларни ўтказиш ишларини ташкил этишга йўналтириш учун буюртмачининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

41. Электрон танлов якунланганидан ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан сўнг закалат пули қуйидаги тарзда қайтарилади, ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно:

а) танловнинг иккинчи иштирокчисининг ҳисобварағига:

ушбу Низомнинг 37-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда буюртмачининг ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қарорининг электрон (сканер қилинган) нусхаси олинган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай;

ушбу Низомнинг 39-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда – танловнинг иккинчи иштирокчиси рад этган деб эътироф этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай;

б) бошқа иштирокчиларнинг ҳисобварағларига – электрон танлов якунланган ёки уни ўтказилмаган деб эътироф этилган кунда.

42. Иштирокчининг шахсий ҳисобварағидаги пул маблағлари унинг электрон танловда ёки бошқа савдоларда иштирок этиш истаги йўқлиги ва пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги аризасига асосан унинг банк ҳисобварағига қайтарилади.

9-боб. Худудларни бириктириш тартиби

43. Буюртмачи электрон танлов ғолиби мурожаат қилганидан сўнг уч иш кунни мобайнида ва баённомага асосан у билан ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузади ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда худудни электрон танлов ғолибига 5 йилга бириктириш тўғрисида қарор қабул қилади.

44. Агар электрон танлов ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган ҳолларга асосан ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, буюртмачи худудни электрон танлов ўтказмасдан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Тоза худуд” ёки Тошкент шаҳар “Махсустранс” давлат унитар корхоналарига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

45. Электрон танлов ғолиблари буюртмачи томонидан уларга худудни бириктириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш кунни мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришадилар.

Бунда, ариза берувчининг танлов таклифида кўрсатилган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўлов тарифларининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланиши шарт.

10-боб. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати

46. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари аппаратларидаги худудий инспекциялари, шунингдек шаҳарлар ва туманларга бириктирилган давлат инспекторлари маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича фаолиятнинг амалга оширилиши устидан доимий тарзда давлат назоратини амалга оширадилар.

47. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвалининг бажарилиши, махсус автотранспорт воситасининг белгиланган худудга ўз вақтида етиб келиши ва маиший чиқиндиларнинг олиб кетилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

11-боб. Яқунловчи қоида

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Электрон танловларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек,
худудларни бириктириш схемаси**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади)	1. Танлов ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Танлов ҳужжатларини тасдиқлаш. 3. “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК (кейинги ўринларда оператор деб аталади) билан электрон танловларни ўтказиш бўйича хизмат кўрсатишга шартнома тузиш. 4. Электрон танловларни ўтказиш учун тўловни ўтказиш. 5. Худудларни электрон танловга қўйиш учун операторга электрон буюртма бериш. 6. Электрон танлов ўтказилиши ҳақида веб-сайтга маълумот жойлаштириш.	1. Заруратга кўра ёки худудни бириктириш муддатининг якунланишидан 2 ой олдин. 2-3. Электрон танловни эълон қилиш санасига қадар. 4. Электрон буюртма бериш санасига қадар. 5. Электрон танловни эълон қилиш санасига қадар. 6. Билдиришнома операторнинг веб-порталига жойлаштирилган кунда.
2-босқич	“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК	1. Электрон танлов ўтказилиши ҳақида веб-порталга билдиришнома жойлаштириш. 2. Ариза берувчилардан электрон буюртманомаларни қабул қилиш.	1. Буюртмачининг электрон буюртмаси қабул қилиб олинган кундан сўнг 1 иш куни мобайнида ва электрон танлов ўтказиш кунидан камида 30 календарь кун олдин. 2. Билдиришнома жойлаштирилган кундан бошлаб электрон танловни ўтказиш санасидан икки кун олдин (соат 13.00 да) якунланади.
3-босқич	Ариза берувчи	1. Веб-порталда рўйхатдан ўтиш. 2. Шахсий ҳисобварақни закат пулини ўтказишга талаб этиладиган миқдордаги пул маблағлари билан тўлдириш. 3. Ариза бериш.	1-2. Электрон танловда иштирок этиш учун ариза бериш санасига қадар. 3. Билдиришнома жойлаштирилган кундан бошлаб ва электрон танловни ўтказиш санасидан икки кун олдин (соат 13.00 да) якунланади.

4-босқич	"Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК	1. Дастур ёрдамида автоматик тарзда билдиришномаларни текшириш. 2. Ариза берувчини текшириш ва қабул қилинган қарор тўғрисида ҳабардор қилиш. 3. Ариза берувчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва электрон танлов ғолибини аниқлаш. 4. Электрон танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш, электрон танлов ғолиби ва буюртмачига топшириш (юбориш). 5. Электрон танлов ғолиби томонидан тўланган закат пулини буюртмачининг банк ҳисобварағига ўтказиш.	1-2. Электрон танловда иштирок этиш учун ариза қабул қилинган кунда, зудлик билан. 3. Электрон танловни ўтказиш учун белгиланган кун ва вақтда. 4-5. Электрон танлов якунланганидан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай.
5-босқич	Электрон танлов ғолиби	Баённомани тақдим этган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш ҳамда унга ҳудудни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни расмийлаштириш учун буюртмачига мурожаат қилиш.	Баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида.
6-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органи	1. Танлов ғолиби билан жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузиш; 2. Ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилиш.	1. Электрон танлов ғолиби мурожаат қилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида. 2. Шартнома тузилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ишчи органнинг намунавий
ТАРКИБИ**

- | | |
|--------------------|--|
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари – ишчи орган раиси |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспектори – ишчи орган раиси ўринбосари |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) санитария-эпидемиология марказининг бош врач |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бошлиғи |
| лавозими
бўйича | - туман (шаҳар) ҳокимлигининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича масъул ходим – ишчи орган котиби |

Изоҳ. Ишчи орган аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли вазифаларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

I. Электрон танловга қўйилаётган ҳудуд паспорти

1. _____ вилояти
2. _____ тумани (қишлоқ ва бошқалар)
3. Аҳоли сони – _____ минг киши
шу жумладан:
 - кўп квартирали уйларда – _____ минг киши
 - якка тартибдаги турар жой секторига – _____ минг киши
4. Юридик шахслар сони: – _____ та
шундан:
 - бюджет ташкилотлари – _____ ташу жумладан:
 - мактабгача таълим муассасалари (тарбияланувчилар сони) – _____ та (_____ киши)
 - мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасалари ва бошқа ўқув муассасалари – _____ та (_____ киши)
 - шифохоналар, санаторийлар, пансионатлар, бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ҳ.к. – _____ та (_____ ётоқ ўрни)
5. Қаттиқ маиший чиқиндилар (ҚМЧ)нинг суткалик тўпланиш ҳажми* _____ кг, _____ м³
6. Бир кунда ҳудудга тўлиқ хизмат кўрсатишни таъминлаб бериш учун талаб этиладиган чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати ** _____ м³
7. Ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш муддати _____ йил
8. Базавий тариф***:
 - жисмоний шахсларга ҚМЧ тўплаш ва олиб чиқиш хизмати кўрсатишига _____ сўм (бир ойда бир киши учун)
 - юридик шахсларга хизмат кўрсатишида _____ сўм (1 м³ ҚМЧ олиб чиқиш учун)

9. Электрон танловга қўйилаётган ҳудудга кирувчи фуқаролар йиғини, кўчалар, мавзелар ва уйлар рўйхати:

Т/р	Номи	Кўп квартирали ва якка тартибдаги турар уйлар
1.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари – № __, № __, № __, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та шу жумладан: наъмунавий (қўриқланадиган) _____ та; модулли (қўриқланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари – № __, № __, № __, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши.
2.		
...		

10. Қуйидагилар:

а) чиқинди тўплаш шохобчалари бўйича:

- _____ та чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш;
- _____ та чиқинди тўплаш шохобчаларини реконструкция қилиш;
- _____ та чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш;

б) чиқинди тўплаш шохобчаларини _____ та контейнерлар билан жиҳозлаш талаб этилади.

Изоҳ:

*) ҚМЧнинг суткалик тўпланиш ҳажми қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:
масса бўйича ($M_{сут}$, кг):

$$M_{сут} = H \times N_m, \text{ бунда:}$$

H – аҳолининг умумий сони, киши;

N_m – юридик шахслардан ҳосил бўладиган ҚМЧни ҳисобга олган ҳолда бир киши учун қабул қилинган ўртача ҚМЧнинг тўпланиш меъёри ($N_m = 1,17$ кг/сутка);
ҳажм бўйича ($V_{сут}$, m^3):

$$V_{сут} = M_{сут} / G, \text{ бунда:}$$

G – ҚМЧнинг қабул қилинган ўртача солиштирма оғирлиги ($G = 445$ кг/ m^3).

**) Бир кунда ҳудудга тўлиқ хизмат кўрсатишни таъминлаб бериш учун талаб этиладиган чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади ($P_{тех}$, M^3):

$$P_{тех} = V_{сут} / K_{исп} / 2, \text{ бунда:}$$

$V_{сут}$ – ҚМЧнинг суткалик тўпланиш ҳажми;

$K_{фой}$ – паркдан фойдаланиш коэффиценти ($K_{фой} = 0,75$);

2 – чиқинди ташиш машиналарининг бир кунлик ўртача қатнов сони.

***) базавий тариф – чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат унитар корхоналари учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича тасдиқланган хизматлар нархи.

II. Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар номи
1	Ишлаб чиқариш базасининг мавжудлиги (автопарк, гараж)
2	Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати
3	Чиқинди ташиш машиналарининг ишлаб чиқарилган йилига қараб улардан неча йил фойдаланилганлиги
4	Абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимининг мавжудлиги
5	Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)нинг мавжудлиги
6	Жисмоний шахсларга ҚМЧ тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф таклифи
7	Юридик шахсларга ҚМЧ тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф таклифи

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Электрон танловда иштирок этиш учун
БУЮРТМАНОМА

1. _____
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР _____

Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами: _____

Жойлашган жойи (почта манзили): _____

Электрон почта манзили: _____

Телефон ва факс рақами (агар мавжуд бўлса): _____,
(мамлакат ва шаҳар кодини кўрсатган ҳолда)

электрон танловни ўтказиш ҳақидаги билдиришномани ва Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш учун худудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) билан танишиб 20____ йил "____" _____да соат _____да _____ сайтида бўлиб ўтадиган электрон танловда қатнашиш учун ушбу буюртманомани қабул қилишингизни сўрайди.

Лот рақами: № _____

Лотнинг номланиши: _____

2. Ушбу билан:

а) _____:
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга эканлигини;

танлов ҳужжатларига мувофиқ худудга тўлиқ хизмат кўрсатиш учун юк ташиш қувватини таъминлаб берадиган, талаб этиладиган миқдордаги техник соз чиқинди ташиш машиналарига эга эканлигини;

юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳукуки учун амалдаги лицензия ва буюртманомада кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия карточкасига эга эканлигини (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

тугатиш, банкрот деб топиш, ёки фаолиятини тўхтатиш жараёнида эмаслигини тасдиқлайман;

б) қуйидагилар тўғрисида огоҳлантирилди:

ушбу буюртманомада кўрсатилган маълумотлар ишончсизлиги ҳолларида электрон танлов натижалари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ва жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартномани бекор қилиш ҳамда буюртмачи томонидан электрон танлов натижалари бўйича худудни бириктириш тўғрисида қабул қилинган қарорни бекор қилиш юзасидан қарор қабул қилишга асос бўлиши мумкинлиги;

Шунингдек, электрон танлов ғолиби деб эътироф этилган, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга шартнома тузишни рад этиш ёки бош тортиш ҳолатида ўтказилган закат пули суммаси қайтарилмайди.

3. Электрон танловда қатнашишга ушбу буюртманомани тақдим қилиб, Низомдаги электрон танловни ўтказиш шартларига розилигимни тасдиқлайман.

4. Электрон танлов ғолиби деб эътироф этилган тақдирда, буюртмачининг ҳудудни электрон танлов ғолибига бириктириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилишини ўз зиммамга оламан.

5. “E-IJRO AUKSION” ЯЭСМ оператори томонидан юборилган барча хатларни қуйидаги электрон почта манзили орқали олишни расман маълум қиламан

(электрон почта манзили)

“E-IJRO AUKSION” ЯЭСМ оператори томонидан мазкур электрон почта манзилига юборилган хатлар улар юборилган вақтида расман қабул қилиб олинган деб ҳисобланишини ва “E-IJRO AUKSION” ЯЭСМ мазкур хатларнинг ўз вақтида ўқилмаганлигининг оқибатлари учун жавоб бермаслигини тасдиқлайман.

6. Закат пули суммасини қайтариш учун

нинг банк реквизитлари

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Банк номи

Банк МФОси

Банк ҳисобварағи №

7. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

юқларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия нусхаси ва танлов таклифларида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситасига ва махсус техникага лицензия карточкалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари бундан мустасно);

танлов таклифида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги говохнома (техник паспорт, техник талон) нусхаси;

абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимининг дастурий таъминотини жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома нусхаси;

ишлаб чиқариш базаси (автопарк, гараж)нинг ижара шартномаси нусхаси (агар хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаса);

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тасдиқланган, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар тарифлари (агар мавжуд бўлса).

Тўлдирилган сана _____

Ариза берувчининг ЭРИ _____

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Танлов таклифи

I. Ишлаб чиқариш базасининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар

Ишлаб чиқариш объектининг номи	Ишлаб чиқариш объектининг жойлашган жойи	Эгаллаган ҳудуд майдони	Ишлаб чиқариш объектининг мол-мулки
Автопарк (гараж)			

II. Чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Русуми	Юк кўтариш қуввати (кг)	Паркдан фойдаланиш коэффициенти ҳисоби билан юк кўтариш қуввати (кг) (3-устун x 0,75*)	Бир кунлик қатновлар сони	Юк ташиш қуввати (м³) (4-устун x 5-устун) / 445**	Аҳолига хизмат кўрсатиш қуввати (киши) (4-устун /1,17***x5-устун)
1	2	3	4	5	6	7
1.	ISUZU	3000	2250	2	10	3 846
2.	MAN	6000	4500	2	20	7 692
...						
	Жами				30	11 538

III. Чиқинди ташиш машиналарининг ишлаб чиқарилган йилига қараб улардан неча йил фойдаланилганлиги

Т/р	Русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами
1			
2			
...			

IV. Абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот

Т/р	Дастурий таъминотнинг номи	Дастурий таъминот жорий қилинган сана	Дастурий таъминотни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома	
			шартнома рақами ва санаси	шартнома муддатининг тугаш санаси
1				
2				
...				

V. Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)нинг мавжудлиги тўғрисида маълумот

Т/р	Назорат тизимининг номи	Назорат тизими жорий қилинган сана	Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)ни жорий қилиш ва унга хизмат кўрсатишга шартнома	
			шартнома рақами ва санаси	шартнома муддатининг тугаш санаси
1				
2				

VI. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича таклиф этилаётган хизматлар қиймати тўғрисида маълумот

Т/р	Тариф	Тариф миқдори
1	Жисмоний шахсларга қаттиқ миший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизмати кўрсатишга (бир ойда бир киши учун)	_____ сўм.
2	Юридик шахсларга хизмат кўрсатишда 1 м ³ қаттиқ миший чиқиндиларни олиб чиқиш учун	_____ сўм.

Изоҳ.

*) 0,75 – паркдан фойдаланиш коэффиценти (ПФК);

**) 445 – ҚМЧнинг қабул қилинган ўртача солиштирма оғирлиги (кг/м³);

***) 1,17 – юридик шахслардан ҳосил бўладиган ҚМЧни ҳисобга олган ҳолда бир киши учун қабул қилинган ўртача ҚМЧнинг тўпланиш меъёри (кг/сутка);

жадвалда келтирилган рақамлар мисол тариқасида кўрсатилган;

танлов таклифининг барча бандлари бўйича тўлиқ ва батафсил маълумотлар тақдим этилиши лозим.

Сана _____

Ариза берувчининг ЭРИси _____

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Электрон танловда иштирок этишга буюртманомани чақириб олиш ҳақида
билдиришнома**

_____ (юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР _____

Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами: _____

Жойлашган жойи (почта манзили): _____

Электрон почта манзили: _____

Телефон ва факс рақами (агар мавжуд бўлса): _____,

(мамлакат ва шаҳар кодини кўрсатган ҳолда)

ушбу билдиришнома билан _____-сон лот бўйича _____ (электрон танлов ўтказиш санаси) куни ўтказиш белгиланган электрон танловда иштирок этишга берган буюртманомани чақириб олади.

Сана _____

Ариза берувчининг ЭРИси _____

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш
учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезон номи	Баллар
	Жами	100
	<i>шу жумладан:</i>	
1	Ишлаб чиқариш базасининг мавжудлиги (автопарк, гараж) *	20
2	Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда чиқинди ташиш машиналарининг юк ташиш қуввати:	20
	<i>5000 кишига қадар</i>	<i>5</i>
	<i>5 001 кишидан 10 000 кишига қадар</i>	<i>10</i>
	<i>10 001 кишидан 20 000 кишига қадар</i>	<i>15</i>
	<i>20 000 кишидан ортиқ</i>	<i>20</i>
3	Чиқинди ташиш машиналарининг ишлаб чиқарилган йилига боғлиқ равишда улардан неча йил фойдаланилганлиги**	30
	<i>3 йилгача (3 йил ҳам қўшилган ҳолда)</i>	<i>30</i>
	<i>3 йилдан 5 йилгача</i>	<i>25</i>
	<i>5 йилдан 10 йилгача</i>	<i>15</i>
	<i>10 йилдан юқори</i>	<i>10</i>
4	Абонентлар ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимининг мавжудлиги	5
5	Чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)нинг мавжудлиги	5
6	Жисмоний шахсларга ҚМЧ тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф таклифи:	10
	<i>5 % гача (5% ҳам қўшилган ҳолда)</i>	<i>2</i>
	<i>5% дан 10 % гача</i>	<i>4</i>
	<i>10% дан 15 % гача</i>	<i>8</i>
	<i>15% дан юқори</i>	<i>10</i>
7	Юридик шахсларга ҚМЧ тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга базавий тарифдан паст тариф таклифи:	10
	<i>5 % гача (5% ҳам қўшилган ҳолда)</i>	<i>2</i>
	<i>5% дан 10 % гача</i>	<i>4</i>
	<i>10% дан 15 % гача</i>	<i>8</i>
	<i>15% дан юқори</i>	<i>10</i>

Изоҳ:

*) Хусусий ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш базасининг ижара шартномаси нусхаси тақдим этилади;

**) Ишлаб чиқарилган йилига боғлиқ равишда ҳар бир чиқинди ташиш машинаси бўйича аниқланган баллар жамланади, сўнгра электрон танлов иштирокчиси томонидан таклиф этилган чиқинди ташиш машиналари сонига бўлинади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун
худудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни
кўрсатишга буюртмачи билан шартнома тузиш ҳақидаги таклиф
қабул қилинганлигини тасдиқлаш тўғрисида
билдиришнома**

_____ (юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР _____

Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами: _____

Жойлашган жойи (почта манзили): _____

Электрон почта манзили: _____

Телефон ва факс рақами (агар мавжуд бўлса): _____,
(мамлакат ва шаҳар кодини кўрсатган ҳолда)

ушбу билдиришнома билан _____ (электрон танлов ўтказиш санаси) куни
ўтказилиши белгиланган электрон танловга қўйилган, _____-сон лот бўйича маиший
чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга буюртмачи билан
шартнома тузиш ҳақидаги таклиф қабул қилинганлигини тасдиқлайди.

Сана _____

Ариза берувчининг ЭРИси _____

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш
бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш
учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига
бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш
ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишга
намунавий шартнома**

20__ йил “__” _____ -сон

(буюртмачининг номи)

номидан низом асосида фаолият юритувчи _____ ҳокими
(вилоят, туман, шаҳар)

_____, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталувчи
(Ф.И.О.)

бир томондан ва _____
(юридик шахс – электрон танлов ғолибининг тўлиқ номи)

номидан _____ асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари (директори)
(устав, низом)

_____, бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи,
(Ф.И.О.)

иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20__ йил “__” _____ даги _____ -сон қарори билан тасдиқланган Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Буюртмачи ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага мувофиқ ҳудудни (кейинги ўринларда ҳудуд деб аталади) маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун Ижрочига бириктириб беради.

1.2. Ижрочи ўзига бириктириб берилган ҳудудда қонунчиликда ва ушбу шартномада белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун ҳудудни Ижрочига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилиш ва Ижрочи (ёки унинг ишончнома бўйича вакили)га имзо қўйдирган ҳолда топшириш (ёки Ижрочининг розилигига кўра почта жўнатмаси билан юборилади);

Ижрочига бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатиш фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслик.

2.2. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочига бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатиш фаолиятини амалга оширилишига қўмаклашиш;

Ижрочи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши мониторинги олиб борилиши;

Ижрочидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ва материалларни сўраш.

2.3. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

Буюртмачининг тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилашни амалга ошириш, шу жумладан:

Тадбир номи	Сони (та)	Бажариш муддатлари
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш		
Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини реконструкция қилиш		
Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш		
Чиқинди тўплаш шохобчаларини контейнерлар билан жиҳозлаш		

чиқинди тўплаш шохобчаларида ва туташ ҳудудда лозим даражадаги тозаликни таъминлаш;

маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралашни амалга ошириш;

Ижрочининг шартнома бўйича ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатга таъсир қиладиган барча ўзгаришлар тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай Буюртмачига хабар бериш;

ушбу шартнома бўйича Ижрочи мажбуриятларининг бажарилиши мониторинги олиб борилишида Буюртмачига тўсқинлик қилмаслик;

2.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча усулларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

Буюртмачидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ қўшимча маълумотларни сўраш.

3. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

3.1. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг розилиги бўйича амалга оширилиши мумкин;

3.2. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли:

ушбу шартноманинг 2.3-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган мажбуриятларнинг Ижрочи томонидан муддатида бажарилмаслиги;

жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мунтазам равишда хизматлар кўрсатилмаётганлиги ва (ёки) лозим даражадаги сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи шикоятлар тушиши. Бунда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилмаётганлигини ва (ёки) лозим даражадаги сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи тегишли материаллари талаб этилади.

электрон танлов ғолибининг “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси ва Буюртмачининг веб-сайтига жойлаштирилган билдиришномада кўрсатилган, мажбурий талаблар ва чекловларга мос келмаслиги аниқланганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича.

3.3. Ижрочи ушбу шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган мажбуриятлар Буюртмачи томонидан бажарилмаган ҳолларда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

3.4. Қуйидаги ҳолларда шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилади:

Ижрочининг фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ўз фаолиятини тўхтатиш нияти тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан 3 ой олдин Буюртмачини хабардор қилган ҳолда Ижрочининг ташаббуси билан.

3.5. Ушбу шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Томон иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

4. Низоларни ҳал қилиш тартиби

4.1. Ушбу шартнома доирасида келиб чиқадиган низолар Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади.

Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 20__ йил " __ " ____ гача амал қилади.

6. Яқунловчи қоидалар

6.1. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг икки томонлама ёзма розилиги бўйича амалга оширилади. Келишувга эришилмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада тузилди. Бир нусхаси Буюртмачида, иккинчиси – Ижрочида сақланади.

7. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

“Буюртмачи”	“Ижрочи”
_____ (тўлиқ номи)	_____ (тўлиқ номи)
Жойлашган жойи: _____	Жойлашган жойи: _____
_____ Банк реквизитлари: _____	_____ Банк реквизитлари: _____
_____ МФО: _____	_____ МФО: _____
_____ СТИР: _____	_____ СТИР: _____
_____ ИФУТ: _____	_____ ИФУТ: _____
_____ (лавозими, Ф.И.О.)	_____ (лавозими, Ф.И.О.)
_____ (имзо, муҳр)	_____ (имзо, муҳр)

Жисмоний ва юридик шахсларга маиший
чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича
хизматларни кўрсатишга намунавий шартномага
илова

Ижрочиға бириктирилаётган ҳудуд паспорти

1. _____ вилояти

2. _____ тумани (қишлоқ ва бошқалар)

3. Аҳоли сони – _____ минг киши

шу жумладан:

- кўп квартирали уйларда – _____ минг киши

- яқка тартибдаги турар жой секторида – _____ минг киши

4. Юридик шахслар сони: – _____ та

шундан:

- бюджет ташкилотлари – _____ та

шу жумладан:

- мактабгача таълим муассасалари (тарбияланувчилар сони) – _____ та (_____ киши)

- мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасалари ва бошқа ўқув муассасалари – _____ та (_____ киши)

- шифохоналар, санаторийлар, пансионатлар, бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ҳоказолар – _____ та (_____ ётоқ ўрни).

5. Бириктирилган ҳудудга кирувчи фуқаролар йиғини, кўчалар, мавзелар ва уйлар рўйхати:

Т/р	Номи	Кўп квартирали ва яқка тартибдаги уйлар
1.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари – № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та шу жумладан: наъмунавий (қўриқланадиган) _____ та; модулли (қўриқланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган яқка тартибдаги уйлар: - рақамлари – № ____, № ____, № ____, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши.

2.	Фуқаролар йиғини _____ Кўча _____ Мавзе _____ 	а) кўп квартирали уйлар: - рақамлари – №____, №____, №____, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши; б) чиқинди тўплаш шохобчалари сони _____ та шу жумладан: наъмунавий (қўриқланадиган) _____ та; модулли (қўриқланмайдиган) _____ та; в) контейнерлар сони _____ та; г) “сигнал” усулида хизмат кўрсатиладиган якка тартибдаги уйлар: - рақамлари – №____, №____, №____, ...; - аҳоли сони – _____ минг киши.
...		

Изоҳ. Рўйхатга бириктирилган ҳудудга хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

ВазирларМаҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги
765-сон қарорига
2-илова

**Жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб
чиқиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома
_____ - сон шартнома**

20__ йил “__” _____ -сон

Ушбу Оммавий шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358-моддаси талабларига мувофиқ тузилган ва жисмоний шахсларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини, шунингдек, _____, бундан буён матнда

(ташкилот номи)

“Ижрочи” деб аталувчи номидан устав асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари (директори) _____ ва ушбу шартномани

(Ф.И.О.)

тузиш тўғрисидаги оммавий таклиф (оферта)ни қабул қилган (акцептлаган) турар жой мулкдори (ижарага, арендага олувчи), бундан буён матнда “Истеъмолчи” деб аталувчи (кейинги ўринларда Томонлар деб юритилади) ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда муносабатлар тартибини белгилайди.

1. Мазкур шартномада қўлланилган асосий тушунчалар:

қаттиқ маиший чиқиндилар – жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахсларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи органик ва ноорганик чиқиндилар, шунингдек, улар ҳудудида ва ободонлаштириш объектларидаги табиий жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (озик-овқат ва ўсимлик чиқиндилари, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш (қадоқлаш) материаллари, шиша, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари, ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзғор буюмлари, супуринди, шунингдек, қаттиқ ёқилғида ишловчи маиший печкалар ва иситиш буғ қозонларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар);

суюқ маиший чиқиндилар – жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахсларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (оқова сувлар, чиқинди тўкиладиган ўралар ва септикларда йиғилган турли хил суюқ чиқиндилар, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ювинди чиқиндилари, марказлаштирилмаган канализациянинг нажас чиқиндилари);

курилиш чиқиндилари – уйлар, маъмурий бино, кўп квартирали уй квартираларини қуришда, реконструкция қилишда, таъмирлашда ва бузишда ҳосил бўладиган чиқиндилар;

“сигнал” усули – чиқинди ташиш техникаси билан аҳоли яшаш пунктларини айланиб чиқиб, сигнал бериш йўли билан Истеъмолчиларни хабардор қилиш орқали яқка тартибдаги турар жой секторидаги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш.

2. Шартнома мавзуси

1. Қуйидагилар шартнома мавзуси ҳисобланади:

а) Ижрочи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун махсус ажратилган майдонлар (чиқинди тўплаш шохобчалари)дан ва якка тартибдаги турар жой секторидан “сигнал” усулида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

б) Истеъмолчи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар ҳақини тўланиши.

2. Йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш Истеъмолчиларнинг буюртманомаси асосида алоҳида тўлов эвазига амалга оширилади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартномага мувофиқ зарур кўламда, белгиланган сифатда, унинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар етказмайдиган хизматлардан фойдаланиш;

Ижрочидан хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва ўзгаришлар тўғрисидаги, шунингдек, қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар тарифлари тўғрисида маълумот олиш;

Ижрочи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқишнинг минимал даврийлигига риоя этилишини талаб қилиш: чиқинди тўплаш шохобчаларидан – бир кунда бир маротаба ва якка тартибдаги турар жой секторидан “сигнал” усулида – уч кунда бир маротаба;

ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун олдиндан ҳақ тўлаш, кейинчалик тегишли тарифлар ошганда қайтадан ҳисоб-китоб қилмаслик;

Ижрочи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолларда Ижрочининг оператив тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўриши лозим бўлган диспетчерлик хизматига _____ телефон рақами орқали буюртманома бериш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма, электрон ёки оғзаки шаклда шикоят қилиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек, аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва пеня тўланишини талаб қилиш;

доимий яшаш жойида вақтинча бўлмаганлигининг ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ озод бўлиш;

қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича сифатсиз хизмат кўрсатилганлиги сабабли, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ушбу шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаш;

контейнерда тўплаш тизимида – чиқинди тўплаш шохобчаларида чиқиндиларни жойлаштиришда чиқиндиларни контейнерларга ташлаш;

тўплашнинг “сигнал” усулида – қаттиқ майший чиқиндиларни ўз уйларида сақлаш ва Ижрочининг қаттиқ майший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвали бўйича етиб келган махсус автотранспорт воситасига жойлаштириш;

қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларга ва объектларга ташламаслик ҳамда жойлаштирмаслик (кўчаларга, сув йўлларида, ариқ ва қаттиқ ҳамда суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиш учун белгиланмаган бошқа жойларга, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан уларнинг тўхташи, тўхтаб туриши ёки ҳаракатланиши вақтида);

қаттиқ майший чиқиндиларни уларни жойлаштириш объектларида (идишлар, ер ўралари ва ҳоказолар), ташкилот ҳудудида, далаларда ва аҳоли яшаш пунктларида ёқмаслик;

кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланишдаги жойларида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва сақлаш жойлари ташкил этилишига йўл қўймаслик;

қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни махсус автотранспорт воситасига ортиш учун Ижрочининг ортиш жойига бемалол ўтишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш контейнерлари, чиқинди тўплаш шохобчалари, чиқинди тўплаш камералари ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда Ижрочини дарҳол хабардор қилиш;

ўзларининг мулки бўлган кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларда прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Ижрочини ўн иш куни мобайнида хабардор қилиш;

йирик габаритли майший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, чорвачилик, шунингдек дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, профессионал бошқарув ташкилотлари томонидан белгиланган, вақтинчалик махсус ажратилган жойларга жойлаштириш ва улар чиқинди тўплаш шохобчаларидаги контейнерларга ташланишига йўл қўймаслик;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизматлар учун тўловларни Истеъмолчидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиш ҳамда тўловларни тўлаш муддатлари бузилган ҳолларда шартномада назарда тутилган чораларни кўриш;

Истеъмолчига қарздорлик тўғрисида огоҳлантириш хати юбориш (шахсан, почта алоқаси воситалари орқали);

Истеъмолчилардан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларда прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ва ҳақиқатда истиқомат қилаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни сўраш ва олиш;

йирик габаритли, қурилиш чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни алоҳида тўлов эвазига олиб чиқиш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш;

даъво муддати доирасида Истеъмолчилардан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қарздорликларни ундириш чораларини қўллаш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундириш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш бўйича судга даъволар тақдим қилиш.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

ўзига бириктирилган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда қаттиқ маиший чиқиндилар мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқишнинг минимал даврийлигига риоя этиш: чиқинди тўплаш шохобчаларидан – бир кунда бир маротаба ва якка тартибдаги турар жой секторидан “сигнал” усулида – уч кунда бир маротаба;

Истеъмолчиларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича қонун ҳужжатлари ва ушбу шартнома талабларига мувофиқ зарур сифатдаги хизматларни кўрсатиш;

Ижрочи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолларда Истеъмолчиларнинг диспетчерлик хизматида тушган буюртманомаларини оператив тартибда бажариш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини жорий этиш;

Истеъмолчиларнинг маълумотлар базасини юритиш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг муурожаатлари, шунингдек, уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминловчи ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг қурилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолатини назорат қилиб бориш ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун зарур миқдордаги контейнерлар билан жиҳозланишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва транспорт воситаларининг зарур тарздаги санитария ҳолатини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчаларини жорий ва капитал таъмирлашни амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнер ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан ва шу кабилар);

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг тартиби ва тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида ушбу тарифлар кучга киришидан ўн беш кун аввал Ижрочининг стендида, эълонлар тахтасида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчини хабардор қилиш;

Истеъмолчиларга уларнинг сўровига асосан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва хизматлар кўрсатиш тартибининг, шунингдек, тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисида бепул маълум қилиш, шунингдек, қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда бузилган ер участкаларини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш;

Ижрочининг стендида, эълонлар тахтасида кўрсатилаётган хизматлар, уларнинг амалдаги тарифлари, тўлов шартлари, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жадвали, мазкур шартнома, қвитанциялар ва бошқа тўлов ҳужжатларининг намуналарини жойлаштириш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва янги камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар ва бухгалтерия ҳужжатлари беш йил мобайнида бут ҳолатда сақланишини таъминлаш.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари

7. Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар мажбурий ҳисобланади.

8. Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тасдиқланган тарифларга асосан тўлов амалга ошириладиган, хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай амалга оширилади.

Бунда, йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, суюқ маиший чиқиндилар, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича алоҳида хизматлар учун умумий хизмат нархининг 15 фоизи миқдорида бўнак тўлови ундирилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов жисмоний шахсларнинг ихтиёрига кўра чекланмаган ҳолда тижорат банклари ва тўловларни қабул қилиш кассалари, электрон тўлов тизими, шунингдек, ёлланма кассирлар (кўчма кассалар) орқали нақд ҳамда нақдсиз шаклда амалга оширилади.

9. Тўловларни ҳисоблаш, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловни амалга ошириш даврида амалда бўлган тариф бўйича кўп квартирали ва яқка тартибдаги уйларда прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки истиқомат қилаётган шахслар сонидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни (йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар бундан мустасно) олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўлов тарифлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

10. Истеъмолчилар бўнак тариқасида тўланган тўловлар учун, ушбу даврда тегишли тарифлар ошган тақдирда, тўлов амалга оширилган санадан ўн икки ойдан ошмайдиган даврга қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар.

11. Ижрочи қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловларнинг қайта ҳисоб-китобини қуйидаги ҳолларда тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда амалга оширади:

ҳисоб-китоб қилиш вақтида арифметик хатога йўл қўйилганда;

Истеъмолчига хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилганда;

жисмоний шахслар доимий яшаш жойида вақтинча бўлмаганда;

прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки истиқомат қилувчи шахслар тўғрисида Ижрочи ўз вақтида хабардор қилинмаган шахслар аниқланганда.

12. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича тегишли бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганда ёки хизмат кўрсатилмаган тақдирда Истеъмолчи тегишли давр учун тўловлардан озод этилади.

13. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилмаган ёки тегишли бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолати аниқланган ҳолларда манфаатдор шахслар томонидан Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузилади.

Хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида тузилган далолатнома қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Ижрочининг пеня тўлаши учун асос ҳисобланади.

Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан боғлиқ равишда Истеъмолчига ёки унинг мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, Истеъмолчи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда етказилган зарар ҳолати қайд этилган далолатнома тузилади.

Далолатнома Истеъмолчининг имзоси, Ижрочи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллариининг имзолари бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Ижрочининг вакили келмаган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли ҳисобланади.

Ижрочининг вакили далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда у ушбу далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда Истеъмолчи маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунига қадар тўхтатишга ҳақлидир.

Мулк эгалари томонидан Ижрочига кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларда ҳақиқатда истиқомат қилаётган шахслар йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўлов ундирилмайди.

6. Истеъмолчининг жавобгарлиги

14. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавоб беради:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик;

ўзларининг мулки бўлган кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларда прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғрилиги ва уларни ўз вақтида тақдим этмаслик.

15. Прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки истиқомат қилувчи шахслар тўғрисида Ижрочи ўз вақтида хабардор қилинмаган шахслар аниқланганда, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан яшаш ёки вақтинча турар жойи

тўғрисидаги маълумотномалар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар), прописка қилинган (шу жумладан, вақтинча прописка қилинган) ёки ҳақиқатда яшаб келаётган даврдан бошлаб амалдаги тарифлар бўйича қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китоби амалга оширилади. Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда – ўтган 3 ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

16. Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилади.

7. Ижрочининг жавобгарлиги

17. Ижрочи қуйидагилар учун жавоб беради:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур тарзда бажармаслик;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва ушбу хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;

хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

18. Истеъмолчига хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилган тақдирда Ижрочи Истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун хизмат қийматининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ умумий хизмат қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

19. Шартнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

20. Шартнома Истеъмолчи томонидан оммавий таклиф (оферта) қабул қилган (акцептлаган) пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Истеъмолчи томонидан ушбу шартномада кўрсатилган шартларни бажариш юзасидан қилинган ҳаракатлар (чиқинди тўплаш шохобчаларида чиқиндиларни жойлаштиришда, чиқиндиларни контейнерларга ташлаш ёки Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига жойлаштириш, кўрсатилган хизматлар учун тегишли суммани тўлаш ва шу кабилар) акцепт ҳисобланади.

21. Шартнома нусхалари у кучга кирган санадан бошлаб бир кун мобайнида хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига юборилади (шахсан имзо қўйдирилган ҳолда ёки тақдим этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта орқали).

22. Шартнома номуайян муддатга тузилади.

9. Низоларни ҳал қилиш

23. Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

10. Ижрочининг реквизитлари:

Манзил: _____
Телефон; _____
Банк номи: _____
Х/р _____
МФО _____
СТИР _____
ИФУТ _____

(имзо)

(раҳбарнинг Ф.И.О.)

М.Ў